
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда “Фарғона вилояти Ўзбекистон туманига қарашли жойда маҳаллани катта йўлга чиқиш томони асфальт қилинмаган” номли видеохабар эълон қилинди.

Унда Ўзбекистон тумани “Қум” маҳалла фуқаролар йиғини Хаётобод маҳалласидаги кўча асфальтланиб, катта йўлга туташадиган маълум қисми асфальтланмай қолгани маълум қилинган.

Ушбу видеохабар бўйича Ўзбекистон тумани ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Ушбу ҳолат, видеохабарда қайд этилган масала туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан жойида ўрганиб чиқилди.

Аҳоли мурожаатлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари таклифлари асосида тумандаги ички йўллари таъмирлаш бўйича жорий йил бошида 2021 йил учун манзилли дастур тузилган. Мазкур дастурга кўра шу йилнинг ўзида туман ҳудудларидаги, маҳалла ва қишлоқлардаги 44 километрдан ортиқ ички йўллари таъмирланиб, асфальт ва шағаллаштирилди.

Хусусан, дастур асосида айтилган “Қум” МФЙнинг Хаётобод маҳалласида ҳам белгиланган режага кўра 2000 кв. метр тошли йўл тўлиқ асфальтлаштирилган.

Ўрганиш давомида, видеохабарда қайд этилган кўчанинг катта йўл қисмига олиб чиқувчи асфальтланмаган 50 метрга яқин қисми эса Фарғона йўллари мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси балансидаги йўл эканлиги аниқланиб, мазкур йўлни ҳам ушбу корхонага тегишли тартибда расмий билдириш орқали келгуси 2022 йилнинг илк чораклари давомида асфальтлаштириш чоралари белгиланди.

2021-12-28 11:32:50